

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 39 (1270)

2020 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ

САМАРҚАНД БАНК МАКТАБИ:

“УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ



Ўзбекистон Республикаси банк тизими бугунги кунда нафақат шу соҳа, иқтисодий комплекс учун, балки давлат ва жамият бошқаруви органлари учун ҳам юқори малака ва салоҳиятга эга бўлган, етакчилик фазилатлари, бошқарувчилик билimleri юқори даражада бўлган раҳбар кадрларни шакллантириш тизимига айланган, деб ишонч билан айта оламиз.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов 1991-2000 йилларда банк тизимида иш фаолиятини мутахассисликдан бошлаб, вилоят банки раҳбари лавозимига қадар кўтарилиб самарали меҳнат қилган.

(Давоми 6-саҳифада)

Инсонни камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, юксак маънавият, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб вакили бўлиб ҳаётга кириши ва унда ўзининг муносиб ўрнини топишида ўқитувчи, мураббий ва устоз каби фидоий инсонларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Устоз бемисл меҳнат, тинимсиз изланиш орқали билим жавоҳирларини йиғиб, уларни шогирдларига улашади.



Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 28 ноябрда “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886 сонли ҳамда 2020 йил 1 майда “Аҳолини уй-жой шароитини яхшилаш ва ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4701- сонли фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк томонидан концепция ишлаб чиқилди. Концепцияга мувофиқ банклар томонидан 20 йил муддатта ипотека кредитлари ажратилиб келинмоқда.

АҲОЛИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАР

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Туронбанк” АТБ ҳамда Uzreport телеканали ҳамкорлигида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжумани ҳам айна шу мавзуга бағишланди. Унда соҳа мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада)



ОБУНА ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ



Ҳурматли газетхонлар, “Банк ахборотномаси” ва “Банковские вести” газеталарининг 2021 йил учун обуна жараёни бошланди.

Сизга шуни маълум қиламизки, келгуси йилдан бошлаб, “Банк ахборот-

номаси” ва “Банковские вести” газеталари ягона бирлашган нашр сифатида чоп этилади. Бу барча ўқувчилар учун ҳам моддий ҳам маънан манфаатли бўлади.

Сиз газетага обуна бўлиш истасангиз, нашри-

мизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин. Ёки “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этишингиз мумкин.

Обуна индекси–102
Обуна бўйича
муружаат учун

Тел.:
(998) 97 776 60 18
71 234 43 18

Факс:
(998) 71-234-43-18.

E-mail:
info@banknews.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ЗАХИРАЛАРИ 19%ГА ОШДИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро захиралари бўйича маълумот Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тасдиқланган методология (Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма)га мувофиқ шакллантирилади. Ушбу маълумотлар Марказий банк томонидан мунтазам равишда эълон қилинади.



Захиралар таркибига монетар олтин, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қозғалар, ХВЖнинг маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлари ва захира позицияси ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ халқаро захиралар таркибига киритиладиган бошқа активлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро захиралари 2020 йил бошига нисбатан 5,4 млрд. АҚШ долларига ёки 19 фоизга ошиб, 1 сентябрь ҳолатига 34,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

2020 йил бошидан COVID-19 пандемияси оқибатида жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳолатларнинг кузатилиши олтин нархининг 30 фоизгача кескин ошишига сабаб бўлиб, август ойида ўзининг тарихий энг юқори даражасига етди. Олтин нархларидаги бундай кескин ошиш суръати фақатгина 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейинги даврда кузатилган.

Табиики, мазкур қулай шароитдан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан август ойининг ўзида 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридан олтин экспорти амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бунда халқаро захиралар таркибидagi олтин миқдорининг камайиши билан бир вақтнинг ўзида валюта активларининг мос равишда ошиши кузатилади. Бу каби амалиёт захираларнинг умумий ҳажми ўзгаришига таъсир қилмайди.

2020 йилнинг ўтган 8 ойи таҳлил қилинадиган бўлса, Марказий банк томонидан 5,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридан олтин экспорти амалга оширилди. Мазкур валюта тушумининг асосий қисми мамлакатимизда фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларга тижорат банклари орқали валюта биржаси савдоларида сотилади.

Қонуңчиликка мувофиқ, Марказий банк Ўзбекистон Республикаси халқаро захираларини тўлдириш учун давлатнинг олтин сотиб олишга бўлган устувор ҳуқуқини амалга оширадиган давлат идораси бўлиб,

мамлакатда ишлаб чиқариладиган олтиннинг асосий харидори ҳисобланади.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналардан олтинни харид қилишда тўловлар олтиннинг жаҳон бозорларидаги ўртача нархидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда миллий валютада тўлаб берилади. Ўз навбатида, мазкур маблағлар корхоналар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларни бажаришга ҳамда ишлаб чиқариш ва инвестицион фаолиятини амалга оширишга йўналтирилади.


Бунда Марказий банк томонидан олтиннинг миллий валютада сотиб олиниши иқтисодиётда пул массасининг ошишига ҳамда инфляция даражаси ўсиши хавфининг кучайишига таъсир эттиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб пул-кредит сиёсатининг макроеқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида Марказий банк валюта бозорида "нейтраллик" тамойиллари асосида иштирок этади.

"Нейтраллик" тамойилига кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинган олтин эквивалентидаги валюта маблағлари Марказий банк томонидан ички валюта бозорига йўналтирилади. Бунда қимматбаҳо металлларни сотиб олиш натижасида муомалага чиқарилган пул маблағларининг иқтисодиётдаги пул-кредит шароитига таъсирини стерилизация қилиш мақсадида валюта сотиш ҳисобига муомаладан қайтариб олинади. Олтин ишлаб чиқарувчи давлатларда мазкур принципга амал қилиниши пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш ва инфляциянинг жиловланишида муҳим аҳамият касб этади.

"Нейтраллик" тамойилининг қўлланилиши натижасида халқаро захиралардаги монетар олтиннинг улуши деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Жумладан, олтиннинг улуши 2018 йил 1 январь ҳолатига 50 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига 54 фоизга етди.

Марказий банк ва Жаҳон банки экспертлари ўртасида жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш (ЖФОДЛ/ТМҚК) соҳасида амалга оширилётган ишларни муҳокама қилишга қаратилган видеоконференция бўлиб ўтди.



ЖАҲОН БАНКИ ЭКСПЕРТЛАРИ БИЛАН ОНЛАЙН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ

Учрашувда Марказий банк томонидан банк тизими миллий баҳолашдан ўтказилганлиги, рискка асосланган назорат методологияси янгиланганлиги ва келгусида янада ривожлантирилиши қайд этилди.

Жаҳон банки ушбу соҳада Марказий банк амалга ошираётган тадбирларни қўллаб-қувватлади.

Томонлар Жаҳон банкининг ЖФОДЛ/ТМҚК йўналишида қонунбузарликлар даражасини баҳолаш методологияси қўлланилишида, шунингдек, тўлов тизимлари, электрон пул эмитентлари ва нобанк кредит ташкилотлари учун назоратни янада кучайтириш бўйича техник ёрдам кўрсатишига келишиб олдилар.

ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МУАММО ЕЧИМИ

Бугун Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов фаолиятида турли муаммоларга дуч келаётган тадбиркорларни қабул қилди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан улар ўртага ташлаган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди.



Учрашувда тадбиркорлар асосан ўз бизнесини йўлга қўйиш учун ер ажратиш, фаолиятини кенгайтириш учун тижорат банкларидан кредит маблағи олиш, фермер хўжалигини қайта тиклаш, иссиқхона барпо этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун дастур лойиҳасига киритиш каби масалаларда мурожаат этди.

– Ер сўраб мурожаат этаётган тадбиркорларимиз шуни тўғри тушунишлари кераки, бино-иншоот ёки иссиқхона қуриш учун ҳам, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ҳам суғориладиган ерлар ажратилмайди, – дейди вилоят раҳбари. – Ёки фермернинг, тадбиркорнинг маҳсулот етиштириб турган ер майдонини қайтариб олиб, сизларга беролмайман. Фойдаланилмай турган ер майдонларимизга сув чиқариб, қайта обод қиламан, маҳсулот етиштирмаман, бизнесимни ривожлантираман, десангиз бунинг йўриғи бошқа. Бу масалани мутасаддилар билан бирга қилиб ечиб берамиз.

Тадбирда вилоят ҳокими элликдан

ортиқ тадбиркорнинг муаммоларини тинглаб, ечимини топишга кўмаклашди. Жумладан, Шеробод туманидаги "Асланбек" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Қўрбонов М-39 магистрал йўли ёқасида экотуризм мажмуасини барпо этмоқда. Ҳозиргача тадбиркор бу ерда 900 миллион сўмликка яқин иш бажарган. Лекин, "Алоқабанк"нинг вилоят банки божқармаси бир миллиард сўмлик кредит маблағи ажратишни орқага сурмоқда.

– Уч ойдан буён тижорат банки бу масаламизнинг ечимини топмаётган эди – дейди ёш тадбиркор А. Қўрбонов. – Учрашувда вилоят ҳокимига ушбу муаммомизни айтдик. Масала жойида муҳокама этилиб, ҳал этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ берилди. Узоғи билан беш иш кунида тижорат банки кредит биз сўраган маблағни берадиган бўлди.

Учрашувда тадбиркорлар ўртага ташлаган масалаларнинг аксарияти жойида ечимини топди. Ҳал этилиши вақт талаб этиладиган муаммоларни ечиш учун мuddат белгиланиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

(Бошланиши 1-саҳифада)

АҲОЛИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАР

– Барчамизга маълумки, халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилашда банклар муҳим роль ўйнайди, айниқса, аҳоли омонатларини жалб этган ҳолда жисмоний шахсларга чакана кредитларни ажратиш ва бу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, – дейди “Туронбанк” АТБ Чакана хизматлар кўрсатиш департаменти директори ўринбосари Элдор Ваҳобов. – Айнан шу йўналишда 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Туронбанк”нинг жами муддатли омонатлари 286,5 млрд. сўмни ташкил этиб,

ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79,9 фоизга кўпайди. Шунингдек, қисқа вақт ичида 3 турдаги янги муддатли омонат турларини ҳам ишлаб чиқди. Хусусан, “Манфаатли” 24 ой муддатга 17% дан, минимал сумма миқдори 1 000 000 сўм этиб белгиланган бўлиб, омонатнинг энг афзал томони шундаки фоизларни миқоз олдиндан олиш мумкин, бундан ташқари “Кулай” ва “Мукофот” каби янги омонат турлари ҳам ишлаб чиқилган. Чакана кредит бўйича

ҳам сўз юритадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами ажратилган кредитлар миқдори 252,9 млрд. сўмни ташкил этиб, бу рақам ўтган 2019 йилнинг шу ҳолати билан солиштирилганда 65,5% га ўсди. Чакана кредитлар бўйича энг кўп мурожаатлар автокредит, микроқарз ва истеъмол кредитлари бўлиб турибди.

– “Туронбанк”дан ипотека кредит олиш учун қўйилган талаблар билан таништириб ўтадиган бўлсак, – дейди “Туронбанк” АТБ Чакана

хизматлар кўрсатиш департаменти директори ўринбосари Умар Эгамбердиев. – Қарз олувчи ипотека кредитини олиш учун мурожаат қилган шахс мурожаат кунда 18 ёшга тўлган ва 50 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, ипотека кредитини ажратишни кўриб чиқиш даврида кредит ташкилотлари томонидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги бўлмаган лозим. Ипотека кредитининг

асосий шартлари куйидагича, яъни бошланғич бадал миқдорлари қишлоқ жойларда – ҳисобланган квартира қийматининг камида 10% миқдори; шаҳар жойларда – ҳисобланган квартира қийматининг камида 20% миқдоридадир. Кредит муддати 20 йил, фоиз ставкалари 16% дан 21 фоизгача, кредит тўловлари аннуитет усулида миқдорлари Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 352,0 млн. сўмни ташкил қилади.

Тадбир сўнггида масъуллар оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига тўлиқ жавоб беришди. **Ўз мухбиримиз**

“МИКРОКРЕДИТБАНК”ДА ЯНГИ ТИЗИМ

“Микрокредитбанк” АТБ тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилади, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган анти-коррупцион тизим жорий қилиниб, фақатгина Банк кенгашига бўйсунадиган мустақил тузилма фаолияти йўлга қўйилади.

Тузилма “Микрокредитбанк” тизимида ҳалоллик стандартларини жорий этиш, яъни коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратади. Бунда ходимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа қилиб олинган. Шунингдек, банк тизимида корпоратив маданиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунки корпоратив маданият коррупцияга қарши курашишнинг муҳим жиҳати ҳисобланиб, у ходимда одоб-ахлоқ, масъулият ва ҳалолликни тарбиялаши керак.

оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Бундай ҳолатлар барқарорлик ва самарадорликни ошириш мақсадида банк тизимидаги коррупцияни енгишнинг таъсирчан ва самарали механизмларини излаш, татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш долзарблигини тасдиқламоқда. Шу сабабдан ҳам “Микрокредитбанк” тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизимнинг жорий қилиниши, кўплаб муаммоларни юзага келишини олдини олади.

Бу бўйича банк тизимида юридик audit - due diligence тизимини жорий этиш ва ҳуқуқий экспертиза ишларини янада такомиллаштириш ҳамда юридик хизмат ходимларини малакасини ошириш,

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилади, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган анти-коррупцион тизим жорий қилиниб, фақатгина Банк кенгашига бўйсунадиган мустақил тузилма фаолияти йўлга қўйилади.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупцияга қарши жамиятнинг барча аъзолари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас ва коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтилмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимизни таъкидлаган эди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида ҳам ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бунда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ходимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк сингари давлат ташкилотлари билан бир қаторда халқаро ташкилотлар, хусусан Халқаро Стандартлаштириш Ташкилоти, шу соҳада нуфузли хорижий нуфузли ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорликда Банкда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда.

“Йўл харитаси” Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий қилиш, замонавий

ахборот технологиялардан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, давлат харидлари ва бюджет маблағларини сарфлашда, миқозларга хизмат кўрсатишда ва ходимларни ишга олиш жараёнларида шаффоф ва самарали тизим жорий қилиш, жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш сингари вазифаларни ўзида қамраб олган.

Эндиликда Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус комиссия ва алоҳида тузилма томонидан ҳалоллик стандартларини жорий қилиш бўйича тизимли ишлаш йўлга қўйилади. Ҳозирги пайтда ички назорат (“комплаенс-назорат”) ҳамда риск менежменти тизимлари фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, сиёсат, ички тартиблар ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Қайд этиш керакки, коррупцион хавф-хатарларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс функцияларни амалга оширувчи ходимлардан соҳа бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишликни тақозо этади. Шу мақсадда жорий йил сўнгига қадар уларни нафақат маҳаллий, балки хорижий тажрибадан ўқувлар ташкил этиб, тегишли халқаро сертифицикатларга эга бўлиши устида иш олиб борилмоқда.




Афсуски, банк тизимида коррупцияга қарши ҳуқуқий тартибга солиш етарли даражада ривожланган эмас. Бундан ташқари, ушбу соҳадаги коррупцияга қарши воситалар асосан коррупция ҳолатларини йўқ қилишга эмас, балки уларнинг

хусусан комплаенс назорат ва юридик аудит – due diligence тизими соҳасида махсус билим ва кўникмаларни шакллантириш юзасидан ўқув курсларини ташкиллаштириш йўлга қўйилмоқда.

Банк Ахборот хизмати

БУНЁДКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР



Мамлакатимизда қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш, маҳсулот турларини маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, тармоққа инвестициялар, илм-фан ютуқлари, инновацион технологияларни кенг жалб қилиш, ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Бу соҳани тараққий этишида юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ҳам алоҳида ўрни борлигини қайд этиш даркор. Уларнинг молиявий кўмағида бугун мамлакатимизда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилди.

Шу каби жараёнларни фаол иштирок этиб келаётган "Ўзмиллибанк" АЖ томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам бериш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг географиясини кенгайтириш тизимли равишда қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, "Ўзмиллибанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси филиаллари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун жорий йил бошдан буён жами 989,98 миллиард сўм ҳамда 146,56 миллион доллар миқдоридан кредит маблағлари ажратилган.

Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида банк кўмағида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Gold Bricks" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Натижада 60 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун "Ўзмиллибанк" АЖ томонидан 983 миң доллар миқдоридан кредит ажратилиб, корхонага хоридан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Бунинг натижасида корхона йилига 30 миллион дон турли рангдаги фасад гиштлари ишлаб чиқариш имконига эга бўлди.

Мазкур турдаги гиштарни тайёрлаш учун хомашё Охангарон туманидан олинди. Шунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархи ҳам нисбатан арзон, совуқ ва сувга ҳам чидамлидир. Корхона мутахассислари айтишича, ишлаб чиқарилаётган пардозбоп гиштар узоқ йиллар ўз рангини сақлаб туради. Улардан фойдаланиш замонавий бинолар қиёфасини янада кўркамлаштиришга хизмат қилади. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, маҳсулотлар тайёрланиш жараёнида фасад гиштарни белгиланган тартибда назорат кўригидан ўтказилади. Бу эса унинг сифати доимий назоратда эканидан далолат беради.

Ўз мухбиримиз.

Бугун қанча кўп маош олманг, уй-жой сотиб олиш учун йиллар давомида йиғинишингизга тўғри келади. Ўзидан орттирирмайдиган рўзгорлар қанча?! Фақат бизда эмас, бутун дунёда шундай! Ижарада яшашнинг машаққату заҳматларини эса бошидан ўтказганлар яхши билади.

ХАЛҚ БАНКИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҲАМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

Қизиқ тенденция: уй харид қилай, десангиз, пул жамғаролмайсиз. Лекин ижара тўловлари учун ойига фалон сўм еки доллар харажат қилишга мажбурсиз. Айтилик, ипотека кредити олсангиз-у, ўша ижарага тўлаётган пулингизни ойма-ой банкдаги қарзингизни узишга йўналтирсангиз нима бўлади? Албатта, бу — мақбул ечим. Аммо бошланғич бадалнинг ўзи отнинг калласидан суммани ташкил этса нима қиласиз?

Давлатимиз айни шу масалада одамларимиз оғирини енгил қилиш чорасини топди. Бюджет ҳисобидан бўлса-да, юрдошларимизни бошпанали қилишга кўмак кўрсата бошлади. Хусусан, даромади юқори бўлмаган фуқароларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилди.

Бу имкониятнинг аҳамиятини тушунмайдиганлар учун кичик бир изоҳ: Субсидия бу бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида олинмайдиган давлат бюджетига қайтариб берилмайдиган маблағдир. Айтилик, сиз субсидия берилиш мезонларига мос тушсангиз, уй олиш учун сизга берилган бошланғич тўлов пули давлатимизнинг бегараз ёрдам сифатида қайтариб олинмайди. Субсидия олишга доир муносабатингизни эса Давлат хизматлари марказлари қабул қилади.

Албатта, ариза топширган ҳар бир талабгорга пул маблағи берилмаётган. Субсидия тайинлаш учун фуқаролар аниқ мезонлар бўйича танлаб олинади. Даромади юқори бўлмаган фуқаролар, кам таъминланган оилалар, ночор, ногирон ва ҳимояга муҳтож хотин-қизлар шундай имкониятга эга бўлишлари мумкин.

Айни пайтда Халқ банки ана шундай ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланган. Бироқ банк аҳолига субсидия маблағлари ажратиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Балки қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этиб, кўп квартиралы уйлارнинг қурилиши учун кредит ажратяпти ва ана-шу уй-жойлар сотилишига ҳам кўмаклашмоқда. Бунда Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида иш олиб бориляпти.

Хўш, бу жараённинг тартиб-қоидалари қандай?

Маълумки, қишлоқ жойларда ер участкалари "Ўздавгеодезадастр" Давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Урбанизация агентлигининг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга текинга ажратилиб берилади. Макромассив шаклида камида 200 та квартиралы кўп қаватлы уйлар қурилади. Ушбу дастурда иштирок этишни хоҳловчи тадбиркорлик субъектлари танлов асосида аниқланади. Ер участкалари танлов савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион савдоларисиз белул берилади.



Шаҳарларда ер участкалари "Ўздавгеодезадастр" давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Урбанизация агентлигининг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилигини олган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан "Е-ИЖРО-АУКЦИОН" орқали тадбиркорларга сотилади.

Тадбиркорлик субъектлари ана шу аукционда қатнашади. Ғолиб пудрат ташкилотига ҳокимият томонидан ер участкасида уй-жой қуриш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Шу тариқа пудрат ташкилоти кўп квартиралы уй-жойларни ва канализация, электр, газ ва сув таъминоти ҳамда алоқа тармоқларини ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан қуради.

Қишлоқ жойларда эса ҳудудий ҳокимликлар танлов шартларини белгилайди ва ҳудудий консалтинг марказларига юборди. Худудий консалтинг марказлари танлов шартлари асосида

оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Тадбиркорлик субъектлари ("тайёр ҳолда топшириш" шартларида) лойиҳаларини оферта кўринишида тақдим этади.

Ҳудудий консалтинг марказлари оферталарни рўйхатдан ўтказиши ва танлов комиссияси ишини ташкил этиб, уй-жойларни қурувчи тадбиркорлик субъектларининг малака, техник ва тижорат таклифларини ўрганади. Якунда ҳудудий ҳокимликлар ва танлов савдолари ғолиби ўртасида пудрат шартномаси тузилади. Пудрат ташкилоти уй-жойларни ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан қуради.

Бу ўринда Халқ банкининг иштироки қандай бўлади? Банк пудратчи қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда беради.

Энди қувончли янгилик бор. Президентимизнинг юқоридаги Фармони асосида 2020-2021 йиллар давомида уй-жой

шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар миқдорини 1,3 баравар ва суммасини 40 фоизгача оширишга рухсат берилди. Демак, бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайди.

Кредит суммасининг 50 фоизгача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилик берилади. Фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 баравардан ошмайдиган ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошмайдиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Банк Ахборот хизмати

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

Инсон капитали ва у билан боғлиқ бўлган маълумотлар БМТнинг ҳисоботларида алоҳида ўрин тутаети. Хусусан, 1990 йилдан буён БМТ Инсон тараққиёти индекси бўйича йиллик ҳисоботларни эълон қилиб келаети. Мазкур ҳисобот инсон тараққиётини шакллантириб берувчи омиллар асосида ҳисоблаб чиқилади. Хусусан, БМТ мезони бўйича учта омил инсон капиталини тўғридан-тўғри шакллантирса, қолган тўртта омил инсон тараққиётини шакллантиришга шароит яратиб беради.

Жумладан, тўғридан-тўғри шакллантирувчи омилларга – таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳаёт фаровонлиги (киши бошига миллий даромад даражаси) каби кўрсаткичлар асос қилиб олинган. Кўплаб илмий адабиётларда қайд этилганидек, иқтисодий барқарорликнинг ядроси ва камбағалликни қисқартиришдаги асосий омил сифатида – инсон капитали асослаб берилган.

2020 йил сентябрь ойида Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда иқтисодий тараққиётни белгилашда инсон капиталига бўлган эътибор алоҳида кўрсатиб ўтилди. Инсон капиталига эътибор 1960 йилларда Г.Беккер томонидан дастлабки тадқиқотларда ўз аксини топган бўлса-да, ҳозирги кунга келиб инсон капиталига эътибор ёш болаларнинг таълим олиши ва соғлиғи каби компонентларга эътибор берилиши билан муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса, болаларда инсон капиталини ривожлантириш учун ислохотларни бошлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб касб этишида ўз аксини топди.

Бу борада, дунё олимларининг илмий хулосаларини келтириб ўтиш жоиз. Ж.Минсер инсон капиталига инвестициялар ва даромадларнинг тенгсизлиги омилларини аниқлаган ва уларни баҳолаган. Инсонлар даромадини нотенглиги инсон капиталига қилинган инвестицияларга боғлиқ эканлиги ва инвестиция жараёни эркин танловга асосланишини қайд этиб ўтади. Унинг фикрига кўра, катта маош кўп ўрганишни талаб этади. Шу боисдан, касбларро фарқ уларни ўрганишдаги фарқлар билан изоҳланади ва ўрганиш муддатларидаги ўзаро абсолют фарқ йиллик даромаддаги фоизли фарқларни келтириб чиқаради. Бир касбнинг бир неча эгалари даромадлари ўртасидаги фарқ инсон капитали тажрибасига қилинган инвестиция муддатининг узайтирилганлиги билан боғлиқ. Умуман олганда, таълим, ёш ва касб каби омиллар инсонлар даромадларини табақаланишда асосий эканлиги асослаб берилаети.

Риндсманн, Сейлер ва Томпсонлар ўзларининг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратиб, унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишади. Уларнинг хулосасига кўра, халқнинг (IQ, intelligence quotient – интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффициенти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга, энг юқори интеллект эгаларининг 5 фоизи доирасида эса 468 АҚШ долларга ортишини асослаб берганлар.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда таълим ва соғлиқни сақлаш тизими муҳим эканлиги ўтган асрнинг ўрталарида фанга маълум бўла бошлагани кўриниб турибди. Бу ўз навбатида, инсон ўртасидаги даромадлар тенгсизлигини барҳам топишига ёрдам беради. Шунингдек, мамлакатда киши бошига даромадларнинг ошиши инсонларнинг интеллектуал салоҳиятига ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Шу боисдан, инсон капиталини ривожлантириш айниқса, болаларнинг ёшлигидан таълим олишига ва соғлом камол топишига шарт-шароит яратилиши долзарб масаладир.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра кам даромадли мамлакатларда туғилган чақалоқлар ўзининг 37 фоиз имкониятларини иқтисодий қиймат яратишда фойдаланаётган бўлса, юқори даромадли мамлакатларда ушбу кўрсаткич 70 фоизга тенг. Ўзбекистонда эса, ушбу рақам ўртача 62 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, мамлакатларда ЯИМ киши бошига тўғри келиши билан инсон капитали ўртасидаги боғлиқлик чамбарчас бўлса-да, лекин жорий тенденциялар ушбу ҳолатни кўрсатмаётти. Масалан, Ўзбекистонда киши бошига даромад юқори бўлмаса-да, инсон капитали унга нисбатан уйғунлиги катта ҳисобланади.

Бунинг сабаби сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга бўлган эътибор, жумладан халқ таълими ва мактабга таълим вазирликларининг алоҳида қилиб ташкил этилиши;

таълим билан қамраб олиш миқдосининг оширилишига бўлган эътиборнинг кучайиши.

Бизнингча, узоқ муддатли даврга мўлжалланган дастурлар билан инсон капиталини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- профилактика тиббий хизматларни молиялаштириш ҳажмини ва самардорлигини ошириш. Асосан, ёш болаларни эмлаш ишларига эътибор бериш ва актив умр фаолиятини ривожлантириш орқали пассив умр кўришни қисқартиришга шароит яратиш;

- мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишларини инобатга оладиган ҳолда гуруҳларга ажратган ҳолда таълим бериш. Бунда, ўқиш ва ёзиш, математика ва табиий фанлар кесимида гуруҳларни ташкил этишни ўқувчиларнинг қандай касбга қизиқишлари доирасида синфларга ажратишни жорий этиш қабиллардир.

Дилшод РАҲМОНОВ
Иқтисод фанлари доктори, доцент.
Finance.uz

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЪЛИМДАН БОШЛАНАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)


Халқаро экспертлар Кенгашининг асосий мақсади – мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни олий таълим муассасалари амалиётида кенг қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, олий таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш асосида олий таълим сифатини оширишга кўмаклашишдан иборат. Бугунги кунга келиб “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида Халқаро экспертлар кенгаши аъзолари сони 25 нафарга етди ва келгусида унинг сони яна ошиб боради.

Халқаро экспертлар кенгаши видеоконференцияларида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, молиявий ўз-ўзини бошқаришга ўтган 10 та ОТМ фаолиятини ташкил этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида “Кредит-модуль” тизимини жорий этиш масалалари, тегишли йўналишлар кесимида ўқув режалари, фанлар ва уларга ажратилган соатлар, талабалар учун ҳафталик ўқув юкласи, семестрга ажратилган фанлар ва унинг соатлари, ўқув йилига режалаштирилган умумий соатлар ҳажми каби масалалар муҳокама этилди ҳамда ватандош-экспертларнинг мазкур масалалардаги тақлиф ва тавсиялари юзасидан очиқ ва самимий руҳда видеомулоқотлар бўлиб ўтди.

мамлакатларида коронавирус балосининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кенг таҳлили билан бир қаторда, бугунги кунда мамлакатимизда энг долзарб бўлган Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш каби тизимдаги қатор масалалар муҳокама қилиниб, ватандош экспертларнинг амалий тавсия ва тақлифлари бериб келинмоқда.

Шу билан бирга хорижий давлатларда истиқомат қилаётган кенг таҳлили билан бир қаторда, тадқиқотчи ходимлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси расмий сайтыда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган ватандош олимлар, тажрибали экспертлар ва тадқиқотчилар электрон платформаси яратилди, ишга туширилди ва улар ватандош олимлар маълумотлари билан тўлдириб борилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган катта илмий-амалий ва профессионал тажрибага эга ватандошлар билан турли йўналишларда ишлаш, уларнинг тажриба ва кўникмаларидан фойдаланиш, хориждаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида фаолият олиб бораётган ватандош олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва уларнинг илмий ишлари тўғрисида доимий маълумотлар шакллантириб



Бугунги кунга қадар “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида Халқаро экспертлар кенгаши 15 та турли мавзуларда видеомулоқотлар ташкил этди ва унда жами 5000 нафар турли соҳа мутахассислари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректор, проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудири, профессор-ўқитувчи ва илмий-тадқиқотчилар қатнашди.

Барча видеоконференцияларда энг аввало, Ўзбекистонда ва дунё

бориш ҳамда ватандошларнинг эришган ютуқларидан Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Одилжон САТТАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат таълимнинг
ривожлантириш агентлиги
қошидаги Мутахассисларни
хорижда тайёрлаш ва давлат
хизматчилари салоҳиятини
ошириш бўйича “Эл-юрт умиди”
жамғармаси директори
ўринбосари

САМАРҚАНД БАНК МАКТАБИ:

“УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўз фаолияти давомида Республикаимизнинг учта вилоятида ҳоким бўлиб, юртимизда амалга оширилган изчил ислохотларнинг самарали олиб борилишида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу қаторда Самарқанд вилояти ҳокимининг Инвестициялар бўйича ўринбосари Ходжаев Ойбек Эркинович 1990-2000 йилларда; Туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Нуруллаев Ботиржон Ўткирович 1990-2011 йилларда; Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Абилов Феруз Нематуллаевич 1995-2015 йилларда банк тизимида мутахассис даражасидан юқори даражадаги раҳбар лавозимларга қадар кўтарилиб, тизим ривож ва юртимиз иқтисодиёти тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Шунингдек, бугунги кунда аввал банк тизимида ишлаган раҳбарлар вилоятнинг бир қатор туманларида раҳбарлик қилишмоқда: Жумладан, Пастдарғом тумани ҳокими Худайбердиев Шунқор Фармонович 1993-2016 йилларда, Тойлоқ тумани ҳокими Бабоназаров Баҳодир Кадилович 1996-2018 йилларда, Жомбой тумани ҳокими Собиров Қажом Ҳамраевич 1996-2020 йилларда, Оқдарё туман ҳокими Сулаймонов Нажмиддин Бахриевич 1996-2010 йилларда банк тизимида фаолият олиб боришган.

Бундан ташқари банк тизимида ишлаган кўплаб истиқболли раҳбар кадрлар вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳокимнинг ўринбосари лавозимларида иш олиб боришмоқда.

Ўзозларимизнинг ана шундай самарали меҳнати муносиб эътироф этилмоқда, тақдирланмоқда. Жумладан, Ватанимиз мустақиллиги-

нинг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳам банк тизимида меҳнат қилаётган ва шу соҳада аввал ишлаб, бугун бошқа соҳаларда масъулиятли лавозимларда хизмат қилиб келаётган устозлар муносиб тақдирландилар.

Албатта, бундай шон-шаарафли, меҳнат ва ҳаёт йўли банк тизимида фаолият кўрсатиб келаётган ҳар бир ёшда ҳавас туйғусини уйғотиб, уларни янада шижоатлироқ, янада фидойироқ бўлишга ундайди.

Самарқанд банк мактаби доимо ўзининг сифатли “устоз-шогирд” анъаналарига эга бўлган. Бугун шу мактабнинг жуда кўп устозларидан бир неча нафарига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ана шундай устозлардан бири Тўраев Ахмат Қиличович – 2015 йилдан Халқ банкнинг Самарқанд вилоят филиали Бухгалтерия ҳисоби бўлими бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда. А.Тўраев 1963 йил Самарқанд вилояти Пайарик туманида таваллуд топган. Самарқанд давлат университетиде математика, Санкт-Петербург Давлат ва муниципал бошқарув институтида сиёсатшунослик, Тошкент молия институтида молия ва кредит мутахассисликлари бўйича тахсил олган. 1992 йилдан банк тизимида ўз фаолиятини бошлаган, ушбу соҳада қарийб 20 йиллик тажрибага эга. Ўз фаолияти давомида Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, Ўзсаноатқурилишбанк вилоят филиали бошқарувчиси, вилоят иқтисодиёт Бошқармасида бошлиқ, вилоят Савдо-саноат палатасида ўринбосар лавозимларида ишлаган.

Дарвоқе, Халқ банкнинг Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси М.Абдуразаков Ахмат Тўраев ҳақида шундай дейди: “Мен Ахмат

акани узоқ йиллардан бери яқиндан танийман, у кишини кадрли устозларим қаторида кўраман. Ўзининг соҳага доир чуқур билимини, юқори малакаси ва бой ҳаётий тажрибасини ёш ходимларимиз доимо ўргатиб, уларга йўл кўрсатиб келмоқда. Банкимиз ходимлари орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида ҳам Ахмат аканинг роли катта”.

Яна ана шундай устозлар қаторига Мирзақобилов Мансур Лапасович – Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси Бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош иқтисодчисини ҳам киритиш мумкин. М.Мирзақобилов 1963 йил Самарқанд вилояти Булунғур туманида таваллуд топган. Тошкент халқ хўжалиги институтида молия ва кредит мутахассислиги бўйича тахсил олган. 1986 йилдан бошлаб банк тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқда, жумладан, “Давлатбанк”ида, “Агросаноатбанк”ида, “Ўздекхонсаноатбанк”ида, “Пахта банк”ида, 1996 йилдан, яъни қарийб 24 йилдан буён Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармасида турли масъул лавозимларда ишлаб келмоқда.

– М.Мирзақобилов билан 2005-2018 йилларда бирга

ишлаб у кишидан кўп билим ва тажриба ўрганганман, – дейди Пайарик тумани ҳокими ўринбосари Р.Ниятов. – Бу инсон банк тизимидаги ёш ходимларининг соҳага доир билимларини оширишда ҳамда уларнинг интеллектуал, маънавий-маърифий юксалишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

2002 йилдан “Алоқабанк”нинг Самарқанд филиали бош бухгалтер лавозимида ишлаб келаётган Маматқулова Шоиста Амоновна ҳам ана шундай эътибор ва эътирофга сазовор устозлардан биридир. Ш.Маматқулова 1967 йил Самарқанд вилояти Жомбой туманида таваллуд топган. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида қурилиш иқтисодиёти, Самарқанд Банк коллежида банк иши, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида молия мутахассисликлари бўйича тахсил олган.

1993 йилдан бошлаб банк тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Жумладан, “Тадбиркорбанк”ида, “Савдогарбанк”ида, қарийб 19 йилдан буён “Алоқабанк”нинг Самарқанд филиали бош бухгалтер лавозимида ўз тажрибаси, салоҳияти, билиминини тизимидаги ёш ходимларга синдириб ишлаб келмоқда.

– Шоиста Маматқуловани банк тизимидаги кадрли устозларимдан бири деб биламан, – дейди “Алоқабанк”нинг Қашқадарё филиали бошқарувчиси А.Мирзаев. – Менда қатъият, мақсадга шаддам интилиш, меҳнатсеварлик каби кўплаб ижобий хислатларнинг ривожланишида у кишининг муносиб ҳиссаси бор. Бунинг учун албатта, у кишида миннатдорман.

Устозлик даражасига етган инсонлардан яна бири Тошев Абдулла Амоновичдир. У 2019 йилдан ASIA ALLIANCE BANK Самарқанд филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Тошев 1969 йил Самарқанд вилояти Пайарик

туманида таваллуд топган. Тошкент молия институтида бухгалтерия ҳисоби, Ўзбекистон Республикаси Банк молия академиясида банк иши мутахассислиги бўйича тахсил олган. 1993 йилдан бошлаб банк тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқда, жумладан, йиллар давомида Марказий банкда, “Ўзмиллибанк”ида, ASIA ALLIANCE BANKда фаолият юритган.

– Меҳнатим, интилишим самараси ҳамда устозларимдан ўрганганлари самараси ўлароқ ўз иш фаолиятини яқинда банкнинг Бош офисида бошладим. Бу йўлда Абдулла Амоновичнинг алоҳида ўрнини эътироф этишни истайман. У киши томонидан филиалимизда банк ишидан ташқари, ходимлар орасида китобхонлик даражасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилган, – дейди ASIA ALLIANCE BANK Бош офиси Чакана кредитлаш бошқармаси андерайтери, Самарқанд банк тизими “Энг иқтидорли ёш банк ходими-2019” танлови ғолиби Ж.Дусебов.

Албатта, Самарқанд вилояти бўйича бундай самарали меҳнат қилаётган устозлик даражасига етган инсонлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.


Сўзимиз сўнггида 1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини” муносабати билан Ватанимиз банк тизимида меҳнат қилаётган ва аввал тизимда ишлаб, бугун бошқа соҳаларда ўз фаолиятини олиб бораётган ҳамда нафақада бўлган барча азиз устозларни табриқлаймиз.

Сизларга ва яқинларингизга узоқ ва мазмунли ҳаёт, муштақам тани сиҳатлик, оилавий фаровонлик тилаймиз. Шогирдлар камолини кўриб юриш ҳамда уларнинг ардоғида бўлиш барча устозларга насиб бўлсин.

Шерзод СУВАНҚУЛОВ
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари



1997 йилдан бошлаб 1-октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Айниқса, кейинги йилларда келажак авлодни ҳар томонлама етук ва маънавийатли шахс сифатида камолга етказишдек, шарафли вазифани адо этаётган устоз ва мураббийларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки уларнинг заҳматли меҳнатлари сабаб мамлакатимиз тараққий этиб, жаҳон сари юз тутмоқда. Уларни қанча эъзозласак, ҳурмат қилсак камлик қилади.



ФИДОЙИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН МУРАББИЙ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳам бир неча йиллардан буён банк-молия соҳасида бўйича етук кадрларни етиштириб келмоқда. Ана шу битирувчилар бугунги кунда юртимиз иқтисодиёти ривожига алоҳида ҳисса қўшишмоқда десак, янглишмаймиз. Албатта, бу ютуқлар замирида академиянинг кўплаб профессор, доцент ва ўқитувчилар жамоасининг самарали меҳнатлари ётибди.

Ана шундай фидойи устозлардан бири Абдуғапур Ибрагимовдир. У Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ташкил этилгандан буён, яъни 1996 йилдан бери Академия тингловчиларига сабоқ бериб келмоқда. Олим Академиядаги фаолияти давомида кафедра мудири, “Илмий марказ” бошлиғи лавозимларида иш юритган. Ҳозирда “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедрасида профессор вазифасида фаолият юритмоқда. Шунингдек, Абдуғапур Ибрагимов ўз касбини чуқур ўрганиш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳамда тижорат банкларини ташқи аудитини амалий жиҳатларини ўрганиш учун “Одил-аудит” аудиторлик фирмасида банк аудити соҳасида бош аудитор вазифасини ҳам бажарган ва тижорат банкларини ташқи аудитини ўтказиш жараёнида гуруҳ раҳбари сифатида фаолият кўрсатган.

Академиядаги магистрантларга илмий ва амалий жиҳатдан билим бериш мақсадида фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунгача устоз раҳбарлигида жами 15 та шогирди, шу жумладан, 11 та иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 4 та иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Устоз яратган 200 дан зиёд илмий мақолалар, қатор илмий монографиялар, илмий-оммабоп китоб ва рисоалар мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида дастурул-амал бўлиб келмоқда. Олим томонидан қатор ўқув кўлланмалар, ўндан ортиқ дарслик, ўқув ва ўқув услубий

кўлланмалар нашр этилган, шу жумладан 2 та дарслик учун патент олинган.

Профессор А.Ибрагимов молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига бағишланган ишларида мамлакатимиздаги ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ушбу стандартларни жорий этиш масаласи, шу жумладан, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлаш масалаларига ва уларни жорий қилиш натижасида ҳисоботларнинг шифофлиги ва объективлигини оширишга хизмат қилиши, аудиторлик текширувларини аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширишдаги муаммолар ва уларни ечимига бағишланган чуқур илмий тадқиқотлар олиб борди. Бу тадқиқотлар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг назарий ва амалий ривожланишига катта ҳисса қўшган ва ўзининг шу соҳада салмоқли улушига эгадир.

А.Ибрагимовнинг Банк молия академиясининг “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедрасига мудирилик давридаги илмий-педагогик фаолияти жуда самарали кечди. Чунки кафедранинг асосий мақсади – банк ва молия соҳалари учун тайёрланадиган барча раҳбар ва мутахассис кадрларнинг халқаро стандартлар асосида фаолиятини юритишда ушбу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари улар томонидан тайёрланадиган молиявий ҳисоботларни чет эллик ҳамкорлар тушунадиған ва улар билан тенг мулоқот қилишга имконият яратади. Олим бу вазифани сидқидилдан бажариб, қатор муваффақиятларни кўлга киритди.

Олим бу йўналишда ўз илмий тадқиқот ва илмий услубий ишларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоб, амалий бошқарув ҳисоби, бюджет назорати ва аудит каби фанларини ривожлантириш, бу фанлар бўйича

республикада ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар, ўқув кўлланмалар яратиш ҳамда уларни такомиллаштириб боришга катта ҳисса қўшди. Шу фанлардан академияда сабоқ бериш орқали назарияни амалиёт билан бевосита боғланишини таъминлаш тамойили асосида иш олиб борди.

Устознинг фаол илмий тадқиқотлари натижасида республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши ҳамда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг долзарб масалаларига бағишланган қатор илмий мақолалари, рисоалари, илмий конференциялардаги тезислари эълон қилинди. А. Ибрагимов Республикамиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бир қатор қонун лойиҳаларининг (Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги) муҳокамасида фаол қатнашиб ўз тақлиф ва тавсияларини берди.

Абдуғапур Ибрагимов айна кунларда ҳам магистрант ва малака оширувчиларга ўз билим ва тажрибаларидан сабоқ бериб келмоқда. Устоз Ўзбекистоннинг иқтисодий билимлари ривожига улкан ҳисса қўшган ҳолда, бўлғуси раҳбар кадрларнинг илмий салоҳияти ўсиб, юрт истиқболи йўлида фидойи раҳбар кадрлар бўлиб етиштирилишида ўзининг беминнат хизматларини аямаяндилар. Айниқса, Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган Биринчи очик кейс-чемпионати ушбу даргоҳга замонавий ва етук кадрларни саралашда янгича ёндашув бўлди. Юқори билимли ва иқтидорли талабалар устоз учун энг катта соврин бўлади. Ана шундай фидойи устоздан касб сирларини ўрганиш шарафли.

Ҳурматли устоз, меҳрибон мураббий Абдуғапур Ибрагимовни касб байрамлари билан кўтлаб, келгусидаги шарафли ишларида зафарлар ёр бўлсин деймиз. Байрамнинг муборак азиз устозлар!!!

Гўзал ҚОДИРОВА,
Банк-молия академияси
Матбуот котиби.

УСТОЗЛИК МАҚОМИ

Сир эмас, мамлакатимизда жуда кўп ўқув даргоҳлари дунё стандартларига жавоб берадиган қилиб бунёд қилинди, қайта таъмирланди. Узоқ қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ҳам мана шундай гўзал илм даргоҳларини кўриб кўзинг қувонади. Айниқса, турли-туман китобларнинг чоп этилиши, бизни хурсанд қилади. Бугун фарзандларимизнинг мурғак қалблари, узоқни кўзлаган орзулари, шоду хуррамликларини кўриб, болаликка қайтгинг келади. Бугун чет тилларида равон сўзлашаётган, дунё ўқувчилари орасида биринчи ўринни эгаллаб келаётган ёшларни кўрганда Ибн Синолар, Беруний ва Бухорийларнинг авлодларимиз-да деб фахрланамиз. Бугун касбга қизиқиб уни мукамал эгаллаган ёшлар, дунёнинг турли шаҳарларида ўз қобилиятини кўрсатаётганларини кузатиб: “Устозингга, отангга балли”, деймиз. Демак юртимизда яшаётган ҳар бир ватандошимизнинг ютуғи ва муваффақиятидан нафақат улар, уларнинг устоз ва ота-оналари, балки бутун юрт одамларининг қалбида гурур, юзларида сурурни кўрамыз. Айниқса, спорт соҳасида ўтказилган бир қанча олимпиадаларда эришилган ютуқлар замирида ҳам устозлар меҳнати ётибди.

Ёшларимиз эришаётган ютуқларни кўрганда, юртимиз байроғи баланд кўтарилганда хурсанд бўлмаган юртдошимиз бўлмас керак. Ёшлар ютуқларининг бош сабабчиси, хизматчиси ва юқори даражадаги кўтарувчи бу устозларнинг меҳнатидир!

Бу меҳнатнинг шарафли томони – шогирдларнинг, бир марта устоз деб қақришларидан ортиқ бахт ва олқиш оламда йўқ. Бунинг савобини айтмасак ҳам биласиз.

Ўйлаб кўрсак, бир бола ҳаётда қоқилмасин деб, кўлимиздан келган, ўзимизда бўлган бор илмни уларга берамиз. Гоҳида ўқувчи ва шогирдларга қаттиқ танбехлар берилади. Мақсад эса уларнинг хатоларини тўғрилаб, остига қилиш. Саъдий Шерозий шундай деган: “Ота-онанинг меҳридан, устознинг жаври яхшидур”, деб.

Агар устоз ўзининг айтганига амал қилмаса, шогирдларга сўзининг таъсири бўлмайди. Бу тажрибада кўрилган. Бир улғу зотнинг бир одам ўғилчасини етаклаб келибди ва: “Ҳурматли устоз! Ўғлим жуда кўп асал ейди. Яна кўп асал еса касал бўлиш эҳтимоли бор экан. Унга камроқ егин десам, сўзимга қулоқ осмайди, шунга бир насихат қилиб қўйсангиз”, дейди. Бу зот қирқ кундан кейин келишларини таъйинлади. Қирқ кун ўтгач ҳалиги одам яна у зотнинг олдига боласини етаклаб келибди. Бу улғу зот болани бошини силаб: “Ўғлим, кўп асал емагин! Асални кўп емогинг соғлигингга зарардир”, дебди. Бола: “Хўп бўлади”, дейди. Шундан кейин бола яхши томонга ўзгарди асални кам ейдиган бўлибди. Бундан хайратга тушган ҳалиги киши Устознинг олдига келиб “Ҳазрат, шу гапингизни нимагадир аввал келганимизда айтмадингиз?”, дебди. Бу зот жавобан: “Чунки ўша кунни ўзим, асал егандим, ўзим асал еб болага асал емагин, десам гапининг таъсири бўлмасди”, дебдилар.

Мухтасар айтганда, шогирднинг таълим берилганларга амал қилиши бу – устознинг ўзи ўша насихатга амал қилишига боғлиқ экан. Шу маънода таълим унга амал қилиш билан чиройлидир.

Нодирбек ДАДАМИРЗАЕВ

1 ОКТЯБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?



1. Тадбиркорларга “Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси” берилади

Тадабиркорларга уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан “Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси”ни бериш амалиёти жорий қилинади.

Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги – “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифалар буйича 12 ой муддатга берилади.

“Яшил” тоифадаги белгига эга бўлган тадабиркорлар фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига йўл қўйилмайди (оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно).

2. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кунга қиради. Миллий географик ахборот тизими юридик ва жисмоний шахсларни кадастр маълумотлари билан тезкор таъминлаш имконини беради.

3. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланувчи ташкилотларнинг ноқонуний фаолияти ҳақида маълумот мавжуд бўлганда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар рўйхатини шакллантиришда уларни соорегация.uz порталда рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади.

Бунда, корхоналар раҳбарлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, импорт орқали товарлар харид қилинишининг мақсада мувофиқлигини кузатув кенгашларига асослаб беради.

5. Давлат иштирокидаги ҳўжалик юретиш субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига қўйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

– битта товар бозоридида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадабиркор фаолият юретиб келаётган соҳаларда;

– давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда.

6. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўлиқ тарзда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

Ушбу тизим 2020 йил 1 июндан бошлаб синов тариқасида амалга ошириб келинмоқда.

7. Тадабиркорлар учун яна бир имтиёз Қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналарини тармоққа улашда сарфланадиган харажатлар тадабиркорларнинг хоҳишига қўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўрвномасига асосан “Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур маблағлар кейинчалик тадабиркорлар фойдаланган электр энергияси қийматидаги қўшиладиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

8. Республика бюджетни маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда нархларни давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади.

9. Аҳолини дон маҳсулотлари билан улуқсиз таъминлаш ва нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида интервенцион харидлар тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Бунда:

– 2021 йил ҳосилидан бошлаб дон учун давлат буюртмаси ҳажмлари босқичма-босқич камайтирилади, бошқоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмлари жорий этилади;

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат буюртмаси тизимидан давлат захирасидан фойдаланишга ўтиш буйича механизм ишлаб чиқиш назарда тутилади.

10. Акциз солиғи ставкалари миқдорлари ўзгарди

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган (хизмат кўрсатиладиган), акциз солиғи солинадиган товарлар (хизматлар)нинг айрим турларига акциз солиғи ставкалари ошади.

11. 2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

– нодавлат таълим ташкилоти лицензия олганидан кейинги лицензия талаблари ва шартларидан бири – “Нодавлат таълимни бошқариш ахборот тизими”га киритиш учун тегишли маълумотларни Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этиш ҳисобланади;

– мазкур тизимда нодавлат таълим ташкилоти, унинг таълим олувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли маълумотнинг лицензия олингандан бошлаб 30 кун давомида йўқлиги – лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш учун асос бўлади;

– кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича нодавлат таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат бланкалари берганлик учун БҲМнинг 10 фоизи миқдорда йўғим жорий этилади.

12. Ичимлик суви хизматлари учун нархлар маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади

Сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солиш органлари хулосалари олинб, маҳаллий Кенгашлар қарори билан маъқуллангандан сўнг тасдиқланади.

“Huquqiy axborot”
Telegram канали

Вазирлар Маҳкамаси 21.09.2020 йилдаги “Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида” 576-сон қарорни қабул қилди.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА БЕРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА БОШЛАНДИ

Ҳужжатни қабул қилиш мақсади Президентнинг “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чорв-тадабирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони амалга ошириш, шунингдек ипотека кредити ажратишнинг соддалаштириш ҳисобланади.

Ҳужжатга асосан, Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Қўрғонтепа ва Шаҳрихон туманларида “Ипотека-банк” АТИБ ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБлар томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратишда тажриба тариқасида:

- мижознинг таъловиға қўра, ҳўжалик усулида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун ипотека кредити қарз олувчининг банк пластик карточкасиға босқичма-босқич ўтказиш йўли билан ажратилишиға;
- қурилиш даври учун 6 ой имтиёзли давр белгиланишиға;
- кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой қурилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишиға;
- кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда асосий турдаги қурилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишиға;
- якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10% миқдоридида бошланғич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд қурилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қабул қилинишиға рухсат берилди.

– қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашда қўйидагиларни инобатга олишиға:

- даромадлари тўғрисида камида охириги 3 ой учун иш жойидан берилган маълумотномалар;
- иш берувчи томонидан берилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;
- пенсия тўловлари;
- фоизлар;
- дивидендлар;
- мол-мулкни ижараға беришдан олинган доимий тарздаги даромадлар;
- халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келиб тушган маблағлар;
- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадлар;



– кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой қурилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишиға;


– кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда асосий турдаги қурилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишиға;

– якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10% миқдоридида бошланғич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд қурилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қабул қилинишиға рухсат берилди.

“Ипотека-банк” АТИБ ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБга мазкур механизмдан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ички низомларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

1974 йилдаёқ Япония автомобил экспорти бўйича Германияни қувиб ўтади. 1980 йилда Япония биринчи марта автомобил ишлаб чиқаришда 10 миллионлик чегарани босиб ўтди ва 15 йил давомида бу соҳада биринчиликни кўлдан бермади. 1989 йилда энг кўп 13 миллион дона автомобил ишлаб чиқарилиб, унинг деярли 50 фоизи экспорт қилинди. Асримиз бошида бу соҳада 8 миллиондан ортиқ киши банд бўлди. Кейинчалик илғорликни аввал Америкага, сўнг эса Хитойга бўшатиб берди.



Япон автомобилсозлиги ишлаб чиқариш харажатларининг жаҳонга нисбатан пастлиги билан етакчилик қилади. “Япон мўъжизаси” япон автомобилсозлигига асосланган. Бу мамлат ҳозир кимёвий маҳсулотларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича АҚШ ва ФРДдан кейинги учинчи ўринни банд қилган. Енгил санаятда ҳам асосан, маҳаллий кимёвий толалар ҳисобига ишлайди. Кейинги йилларда маҳаллий каолиндан керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланди. Ёғоч ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқлари тараққий этди.

Япония иқтисодиёти учта йirik секторга бўлинади. Бирламчи секторга қишлоқ хўжалиги киритилган. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари мамлакат ҳудудининг 13 фоизини ташкил этади. Уларнинг деярли тенг ярми шолчиликда фойдаланилади. Мамлакатда текис ерлар кам, аксарият экин майдонлари тоғ ён бағирларида жойлашган, техника ёрдамида ишлов бериш қийин. Шунинг учун ҳам битта фермерга бор-йўғи 1,8 гектар экин майдони тўғри келади (таққосланг: АҚШда бу кўрсаткич 133 га). Амалдаги япон қонуinchилиги бўйича 1990 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар фермерлар дейилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: а) ўз шахсий истеъмоли учун маҳсулот ишлаб чиқарадиганлар ва сотиш учун маҳсулот етиштирадиганлар.

Биринчи гуруҳ – оддий фермерлар, иккинчиси – фермер-тижоратчилардир. Фермер хўжаликлари умумий сони икки миллиондан ошади. Экин майдонлари ҳам, унда ишлайдиган фермер хўжаликлари сони ҳам урбанизация, иқтисодиётнинг иқтисомачи ва уламчи секторлари ўсиши ҳисобига тобора қисқариб бормоқда.

Маълумки, неолит давридан бошлаб балиқчилик япон хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Бугун мамлакат аҳолиси жон бошига бир йилда ўртача 168 кг балиқ истеъмоли тўғри келади. Бу жаҳон мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Япония балиқ ва денгиз маҳсулотлари импорти бўйича етакчи ҳисобланади. У дунёнинг экспорт қилина-

диган балиқларининг 20 фоизини мамлакатга келтиради. Умуман, озиқ-овқат маҳсулотларининг 55 фоизи импорт қилинади.

Иккиламчи секторга санаят киритилади. Санаят ривожланишининг бош таркибий омили фан ва таълим, деб қаралади. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик (НИОКР) миллий тизими давлат дастури техника ва технология ютуқлари импорт қилинган бўлса, энди НИОКР миллий системасига ўтилган. Қаттиқ жисмали физика, атом энергетикаси, плазмалар физикаси, энг янги композицион материаллар, космик роботлар яратиш бўйича шуғулланадиган йirik илмий марказлар яратилди. Кичик ва ўрта бизнес барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатади. Япон компанияларининг деярли 99 фоизи кичик ва ўрта бизнесга тегишлидир. Айниқса, автомобиль, электротехника ва электротехника соҳаларида уларнинг роли жуда юқори. Қисқа қилиб айтганда, инновацион ишлаб чиқариш бугун япон иқтисодиётининг қиёфасини белгиламоқда.

Япония кemasозлик бўйича Жанубий Корея ва Хитой билан кескин рақобатда етакчилик учун кураш олиб бормоқда.

Уламчи секторга савдо-сотиқ киритилган. Япон савдоси кўшимча қийматга эга савдо турига киради. Унинг моҳияти хом ашё импорт қилиш ва санаят тайёр маҳсулотини экспорт қилишдан иборат. Илгари санаяти учун хом ашё олиб келиниб, тўқимачилик маҳсулотлари чиқарилган бўлиб, савдо енгил санаят предметларига йўналтирилган эди. Урушдан кейин эса асосий маҳсулотлар импорт қилинувчиларидан ёқилги, экспорт эса машинасозлик маҳсулотлари, автомобиль, юқори аниқлик асбоб-ускуналари, ярим ўтказгичлар бўлиб қолди. Савдо энди оғир ва кимё санаятига йўналтирилди. 1980 йилдан бошлаб узлуқсиз ижобий савдо баланси сальдосига эришиб келмоқда. Яъни, сотиш ҳажми харид ҳажмидан юқори.

1990 йилдан бошлаб япон ишлаб чиқариш компаниялари ўз завод ва фабрикаларини чекка мамлакатларга чиқариб жойлаштира бошлади.

Япон моделининг яна бошқа

ЯПОНИЯ САФ БОШИДА

БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛИ

характерли хусусиятларидан бири иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқариш механизмида, яъни моделидадир. “Япония акционерлик компанияси” деган тушунчага бир эътибор қаратайлик. Бунда бутун мамлакат ягона аъзо, бир фирмадек, бир компаниядек харақат қилади. Барча ходимлар ўз манфаатларининг муштараклиги билан боғланади. Аммо собиқ социалистик моделдан фарқли ўлароқ, бунинг бош механизми ҳукуматнинг иқтисодиётни қатъий режа асосида бошқариши эмас. Режа ва дастурлар бу ерда тахмин-тўсмон, яъни прогноз характерида. Бу режаю прогнозлар ҳукумат ва тадбиркорларга мамлакат иқтисодиётининг қайси томонга бораётгани тўғрисида умумий мўлжал олиш, чамалаш, бу борада дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни қандай ечими бўйича тавсиялар беради. Улар маблаҳат характерига эга бўлиб, ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбур қилмайди, уларни бажармаслик бирон-бир маъмурий жазо билан ақулланмайди. Социализмда эса “режа – қонун, уни бажариш шон-шараф” деган шир корхоналар пештоқига осиб қўйилар эди. Япон тажрибасидан кўриниб турибдики, тараққий эт мезони, давлат, тадбиркорлар, ёлланма ходимлар манфаатларидаги умумийлик натижаасидир. Бозор режа учун эмас, ақинча у истеъмолу учун керак. Меъёрдаги бозор истеъмолига хизмат қилади.

Бошқарувиинг японча усули ривожланишининг стратегик муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Давлат корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишни кўзлайди. Бунда у фақат тул, рентабеллик билан ўлчанадиган тор дорадан юқориқоқ фикрлашни ҳар томонлама кўллар-қувватлайди. Эркин тадбиркорлик фаолияти давлат бошқаруви билан қўшиб олиб борилади. Баҳолар фискал усуллар билан, яъни давлат даромадларини назарда тутиб бошқарилади. Бу борада яна бир хусусий шундаки, агар америка компанияларини иқтисодчи, бухгалтер ва юристлар бошқарса, япон компанияларини орасида муҳандислар (инженерлар) бошқарилади. Бу шубҳасиз, япон корпорацияларининг америка фирмаларига нисбатан устун томонларидан бири. Шу билан бирга япон топ-менежерларининг даромади ишчиларникидан ўн баробар юқори бўлса, АҚШда бу фарқ беш юз мартабани ташкил қилади.

Учиндан, япон ривожланиш моделида меҳнатни рағбатлантириш ва тартиботни шакллантириш алоҳида ўрин тутайди. Бу механизм кейинчалик янги индустриал мамлакатларда ҳам қисман қўлланилди. Бу тартиботнинг муҳим белгиси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларининг барча ходимлар томонидан ишлаб чиқарилиши, корхоналарда жамоатчилик руҳи ҳамда ишчиларнинг ташаббускорлигини тақдирлашдир. Фирмага содиқлик ва самарали ишлаш, рационализаторлик тақлифлари, шунингдек, узок йил бир жойда

ишлаш қўшимча ҳақ ўрнатиш, нафақага чиқаётганда йirik тўловлар орқали рағбатлантирилади.

Тўртинчидан, японлар характерлидаги миллий ўзига хос хусусиятлар ҳам япон моделини шакллантиришга таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бу хусусиятлар уларнинг садоқатлиги, итоаткорлиги, юксак интизомлиги ва ташаббускорлигида намоён бўлади. Чет эл матбуотида кўзимиз тушган бир воқеа биз келтираётган далилга жуда мос. Эътибор қилинг, Иккинчи жаҳон уруши якун топиб бормоқда. Собиқ Иттифоқ, АҚШ ва бошқа иттифоқчилар кўшини томонида япон император армияси Узок Шарқда қақшатиқ зарбага учраб тор-мор бўлмоқда. Япон аскарлари қаттиқ саросимага тушиб, бировлари самурай ахлоқига кўр-кўрона амал қилиб ўзини ўзи чавақлаган, айримлари асир тушган, яна бир қанчалари тумтарақай бўлиб қочган, қаршиликни давом эттираётганлари ҳам анчагина. Шунда япон зобитларидан бир ёшгина аскарни олдиға қақириб “Асло қуролнинг ташлама, жангни ҳар қандай усуллар билан давом эттиравер, нима бўлганда ҳам императорга содиқ қолишинг керак” деган буйруқни беради. Итоаткор беш аскар гў ўрмонга, гоҳ тоққа беркиниб, партизанлик ҳаракатини бошлаб юборади. Поезд йўлларини портлади, йўлдан ўтган-кетганларга ўқ отади, ҳеч бўлмаса уларга тош отиб юраверади. Бу дунё беҳабар инсон ҳаракатини саксон ёшларга яқинлашиб мункайиб қолганида ҳам давом эттираверади. Ҳаманинг жонига теккан бу “қўлга тушмас қасоскор”ни ниҳоят япон хавфсизлик хизмати ходимлари кўлга олишди. Унга аллақачон уруш тамом бўлганини, Квантун армияси таслим этилганини, тинч ҳаёт бошлангани ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб қолганини уқдиришади. У эса командирим қуролнинг ташла, деб буйруқ бермагунча, жанговар характерини давом эттираверман, дейди. Ҳайриятки, собиқ командири ҳам хали ҳаёт экан. Япония атрафидида жойлашган минглаб ороллардан биридан тўқсон ёшларни қоралаб қўйган, бунчайган, соқоли кўксига тушган чолни топиб келишади. Ундан янги буйруқни олгандан кейингина аскар чол чор-ночор қуролини ташлайди.

Бу балиқ бир ҳангома е хазиндир. Лекин унинг замирида японларга хос характерни белгиловчи асослар ҳам йўқ эмас.

Иқтисодий адабиётларда Япон ривожланиш моделини айримларнинг “Япон иқтисодий мўъжизаси” билан аралаштириб юбориш ҳолатлари учрайди. Аммо, “Япон иқтисодий мўъжизаси” янги япон ривожланиш моделининг дастлабки энг йirik ҳосиласи десак тўғрироқ бўлади. Гап шундаки, “Япон иқтисодий мўъжизаси” япон иқтисодиётининг урушдан кейинги, аниқроғи 1955-1973 йиллар ораллигидаги тарихий ҳодиса – рекорд даражада ўсишдан иборат эди. Бу давр мобайнида япон иқтисодиёти йилга 70 фоиз микдорда ўсди. Бу ўша вақтдаги ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори ўсиш эди.

Мақсуд давр энг паст солиқлар ва янги технологияларни ўзлаштириш билан характерланиди.

Қисқа вақт ичида амалга оширилган беқийёс ўсиш суръатлари Японияга нафақат урушдан кейинги тўла тикланиш, шу билан бирга иқтисодий қудрат бўйича Франция, Италия, Канада, Буюк Британия, ГФР ва СССРни қувиб ўтиб АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаш имкониятини берди. Бу – ҳақиқий иқтисодий мўъжиза эди. 1968 йилдан бошлаб жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб келган Япония фақат 2010 йилдан келиб ўз ўринини тез ривожлантиётган Хитойга бўшатиб берди.

“Япон иқтисодий мўъжизаси” худди япон иқтисодий ривожланиш моделидан келиб чиқадиган патент ва лицензияларни сотиб олиш, уни ишлаб чиқаришга зудлик билан жорий қилиш, фан сифими юқори даражали технологиялардан фойдаланиш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш, ишчиларнинг юқори малакаси, ишчиларнинг юқори малакаси, умуман, менталитетининг хусусиятлари, экспортга йўналтирилганлик, бошқарувиинг ноёб тартиботи ва бошқарув ҳисобига таъминланди.

Япония ва унинг атрафидидаги янги индустриал мамлакатлар ривожланишини кўпинча гоьлар тўдасига ўхшатиш мумкин. Тўданнинг етакчиси Япония умрақаб, капитал сифими юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган сари, илгари ўзлаштирилган ва меҳнат сифими юқори бўлган маҳсулот тармоқлари ва турларини янги индустриал мамлакатларга ўтказди. Улар эса ўз навбатида бир неча вақтдан кейин бу тармоқ ва маҳсулот турларини Малайзия, Индонезия, Тайланд, Хитой, Вьетнамга “ташлаб юборади”. Шундай қилиб япон иқтисодиёти жаҳонда учинчи ўринга мустамҳам ўрнашиб олди.



Номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми 6 трлн.га етди 2013 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 1,9 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ микдори 35 миң АҚШ доларидан ошди. ЯИМнинг атиги 1,5 фоизи қишлоқ хўжалигида, 22,8 фоизи санаятда, 75,7 фоизи эса хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилмоқда. Япон иқтисодиёти жаҳон молиявий иқтисодий инқирозни ҳали давом этаётган паллада ҳам дунё мамлакатлари орасида энг паст инфляцияни (1,2%) ва ишсизлик даражасини (4%) кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мутахассислар фикрича, Япония ижтимоий баркамол жамият ҳисобланади. Гарчи реал вазият ушбу таърифга тўла мос тушмаса-да, кунчиқар мамлакатининг бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли жиҳатлари кўп. Чунончи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар микдори гоьят юқори бўлишига қарамасдан мамлакатда бойлар ва камбағаллар ўртасида тафовут унчалик катта эмас. Хусусан, аҳолининг энг бадавлат ва энг қашшоқ 20 фоизи даромади ўртасидаги фарқ 2,9 баробарни ташкил этади, холос. Баробарлиқ, бу тафовут АҚШда 19, Россияда 15 мартага тенг.

Шукур ЖАББОР

JP MORGAN БОЗОРДАГИ ҲОЛАТГА БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТДИ

БАНК БОЗОР ВА ТЕХНИК
ТАСВИРДА ҲОЛАТ ЁМОНЛАШГАНИНИ
ҚАЙД ЭТМОҚДА



Тасвирда евро ва доллар ўртасидаги айирбошлаш курсининг кунлик графиги кўрсатилган.

JP Morgan мутахассислари ўз мижозлари учун тайёрлаган таҳлилий қайдномада хабар берганидек, улар Евроҳудда PMI маълумотлари эълон қилиниши графасида евродаги узун позицияларни тўхтатиб қўйишган.

Банкда маълум қилинганидек, PMI маълумотлари янги агрессив чегирмали савдо ўтказилишини назарда тутадиган даражада ёмон бўлмаган. Бироқ коронавирус пандемиясининг янги тўлқини юзага келиши мумкинлигидан хавотирга тушаётган инвесторлар ва бу вақтда ҳукуматлар томонидан йўл қўйилаётган хатолар туфайли молиявий бозордаги аҳвол ёмонлашишда давом этмоқда. Шунингдек, АҚШ президенти Дональд Трампнинг ҳокимият осонликча бой берилмаслиги мазмунидаги сўнги баёноти таваккалчиликни янада оширади.

Стратеглар чайқовчиларнинг узун позициядаги евродаги ҳажми сезиларли даражада катталигича қолаётганини ёдга солмоқда. Айни пайтда банк мижозларининг маълумотларига кўра, суғуртали фонд ўзларида евро позицияларни қисқартирган бўлса, реал ҳисобрақамлар эса салмоқли экспозицияни сақлаб қолмоқда. Яқингача ҳам JP Morganдагилар евро ва долларда харидни амалга ошириш тарафдори эди. Бироқ позициялар борасида инвесторлар кайфиятининг ўзгариши ва техник тасвирнинг ёмонлашиши ўсишни истаганлар лонгларни ликвидация қилишга урингани маъқуллигини кўрсатди. JP Morgan дагилар таъкидлаганидек, ҳозирча жуфтлик 1.1700/20дан пастроқлигича қолмоқда. Яқин келажақда унинг нисбатини 1.15га тушириш кўзда тутилган.

Сўнги олти ой давомида юзага келган умидсиз вазиятга қарамай, жаҳон иқтисодиётининг катта қисми пандемия оқибатида нимжонлашиб қолганлигига қарамай, кескин қайта тикланиш белгилари кўринаётгани қайд этилмоқда. Гарчи муваффақият қафолатланмаган бўлса-да, айрим мақбул тузилмавий омиллар яқин истиқболда ҳаммаси яна ўнгланишига ишора бермоқда.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жаҳон иқтисодиётининг йирик соҳалари V- шакли тикланишнинг аънавий белгиларини кўрсатмоқда. Кўплаб мамлакатларда ойлик кўрсаткичлар июнь ва июль ойларида кучли сакраш ҳолати кузатилганини кўрсатди. Айни пайтда реал ЯИМ (инфляцияга киритилган тузатишлар ҳисобга олинганда) нинг башорат қилинаётган ўсиши учинчи чорақда бир хил шароит яратилганда ўрта ҳисобда 10-15 фоизга етилиши акс эттирмоқда.

Албатта, эҳтимол қилинаётган ўсиш — бу, шунчаки техник тикланиш ва дастлабки кулаш олдида кўринаётган рўёдек қабул қилиниши ҳам мумкин. Аслида ҳам ҳолат худди шундай бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, кўплаб мамлакатлар COVID-19 нинг янги тўлқинини бошидан ўтказаётган ва эртароқ эмлашнинг имкони йўқлиги инobatга олинса, вазият қутилганидек эмаслигини билдиради. Ҳеч ким олдиндан бир нима дейиши ҳам қийин бу вазиятда. Шу боис қутишдан бошқа иложи йўқ. Боиси мамлакатлар вирус устидан ғалаба қозониш ва бир пайтнинг ўзида иқтисодиётини нормал ҳолатга келтиришга ҳаракат қилмоқда.

НАЗОРAT ВА ТИКЛАНИШ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ

Гарчи АҚШ бошқаларга нисбатан узокроқ вақт мобайнида вирус билан курашиб келган бўлса-да, касалланганлар даражасини камайтиришга ҳам эришиб келди. Бу эса, ўз навбатида ёзда иқтисодий ўсиш кузатилганини билдириши мумкин. Сўнги маълумотларга кўра, Хитой инфекциянинг тарқалиб кетишини муваффақиятли назорат қила олмоқда, тузалаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида Хитой ва Америка етакчи ўринни эгаллаб келишини ҳисобга олсак, юқоридаги омадли қадамлар (иккала мамлакат ўртасидаги зиддият ҳанузгача давом этаётганлигига қарамай) жаҳон савдо майдонида жонланиш кузатилишига умид уйғотади.

Европага келсак, кўплаб мамлакатларда COVID-19нинг янги тўлқини рўй бермоқда. Айниқса касалланганлар сони кўпайиши Испаниянинг қайта тикланишига бўлган умидни сўндириб юбормоқда. Бироқ бундай вазият барча мамлакатларда кузатилаётган. Айрим мамлакатлар назорат қилиш чораларини кучайтирди. Агар бу чоралар самара берса, иқтисодиёт аввалги ҳолат даражасига етиши эҳтимол ҳам йўқ эмас.

Иқтисодиёт 2020 ва 2021 йиллар охирида, истиқболда барқарор ҳолатда ўсишига бўлган ишончга эга бўлиш учун касалликни даволашнинг хавфсиз ва самарали йўллари ишлаб чиқилиши аниқ бўлиши керак. Вакцина кенг миқёсда тарқалса, иқтисодий фаоллик истиқболда жадаллашади. Ижтимоий масофа ўрнатилишидан энг кўп жабрланган соҳалар, жумладан халқаро саяхат, кўнгилочар ва туризм соҳалари секинлик билан қайта фаолият юрита бошлайди.

Аслида синовнинг учинчи босқич синов ишлари амалга оширилаётган барча вакциналар муваққиятли тан олинса, яқин ойлarda юқоридаги соҳалар тикланиши мумкин. Шунда циклик тикланишга бўлган умид оқланиши турган гап.

ТУЗИЛМАВИЙ МУАММОЛАР

Бироқ тузилмавий муаммолар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, бу йилги куз фаслининг

энг чуқур муаммоси Саудия Арабистони раислигидаги G20 ўз ўрнини қайта тиклаб олиши ва 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейинги халқаро ҳамкорликни таъминлай олиши билан боғлиқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар маълумотига кўра, бутун дунёдаги 7,8 миллиард инсон учун вакцинани адолатли тарқатиш учун тахминан 35 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. Бу эса, G20нинг кўплаб мамлакатлари ички иқтисодиётни тиклаш учун сарфлаган маблағга нисбатан жуда кам маблағдир. Бироқ глобал тикланиш учун вакцинани барча мамлакатларга тарқатиш ўта муҳим саналади.



Ички ва ташқи ўсиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Пандемия оқибатида юзага келган хавотир туфайли аксари ҳукуматлар, айниқса Европа Иттифоқида қутилмаган монетар сиёсат ҳамда фискал рағбатлантириш чораларини қўллашига тўғри келди.


Агар бюджет харажатлари кескин ва салмоқли қисқартирилмаса, экспансионистик макроиқтисодий сиёсат туфайли ички талаб тикланиши 2008 йилдагиданда кучлироқ рағбатлантиради.

Аммо бу ерда яна бир масала кун тартибига чиқади. Жорий харажатларни ким ва қачон тўлайди? Ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар аплақачон фискал сиёсатни аввалдан кескинлаштириш сиёсатидан воз кечишга қарор қилган. Бироқ кўп нарса, албатта, иқтисодиётни қайта тиклаш суръати ва кўламига боғлиқ эмас, балки бюджет тақчиллигининг ҳажмига ҳам боғлиқ. Бу ерда бандлик масаласи яхши томонга ўзгарганидан кейин АҚШда жорий этилган қўшимча фискал чоралар кескин камайтирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Монетар сиёсат ҳақида гап кетганда АҚШ Федерал захира тизимининг "ўрта даражадаги инфляцияни таргетлаштириш" режими га ўтиш борасида экинчи қилган баёноти ҳам кўплаб-қувватлашнинг қўшимча шакли сифатида қабул қилинди. Бироқ гап яна бошқа масалада. Сиёсат инфляцион босим аслида қандай ривожланишдан келиб чиқиб юритиладими йўқми, ҳаммаси шунга боғлиқ. Инфляция қутилмаган даражада ўсиб кетиб молиявий хавотирга келган бўлса, сиёсатчилар бошқа услубни ишга туширишига тўғри келади.

Шунингдек COVID-19 пандемияси оқибатида юзага келган инқироз ўзгаришларига нисбатан сиёсатчиларнинг жавоби қандай бўлиши ҳам маъқуллигича қолмоқда. Янги бизнес маданияти ташкил этиладими ёки "муайян мақсадли фойдани кўзловчи" чақирқ ва самарали чоралар қўлланиладими, йўқми номаълум.

S&P Global Platts маълум қилишича, бозор нефть нархи яна кескин пасайиши эҳтимолидан хавотирда, бироқ ҳозирча кучли ваҳима кузатилаётгани йўқ.




ИНВЕТОРЛАР НЕФТЬ НАРХИ КЕСКИН ТУШИБ КЕТИШИДАН ҲИМОЯЛАНМОҚДА

Яқинда кузатилган нарх арзонлашиш ҳолатидан сўнг Халқаро энергетика агентлигининг АҚШдаги захиралар ҳамда талаб ва таклифлар мавзусига бағишланган янги ҳисоботини интиқлик билан кутишмоқда. Бундан ташқари, инвесторлар Сенди тропик штурмидан нима кутиш мумкинлигини тушунишга ҳаракат қилмоқда. Қора олтиннинг бўлажак котировкалардаги ҳаракати ханузгача юқори суръатда ўзгариб турибди, дейди S&P Global Plattsнинг

етақчи таҳлилчиси Вито Туритто. Унинг фикрича, инвесторлар “хавотирда, бироқ ваҳимага тушмаган”. “Улар кутиш ҳолатини танлаган ва сотишмаяпти”, – деди мутахассис. – “Бироқ нефть нархи кескин тушиб кетишидан сугурта қиладиган пут опцион мукофотлар сезиларли даражада ошди. Бу эса инвесторлар нарх кескин тушиб кетишидан кучли ҳимоя қиладиган йўлларни излашаётганини билдиради”.

Активлари ҳажми бўйича АҚШнинг энг йирик банкларида бири – JP Morgan Chase&Co қимматбаҳо металллар бозоридagi манипулятив чоралар учун 1 миллиард доллар ҳажмидаги рекорд жаримани тўлашига тўғри келади.



АМЕРИКАНИНГ ЭНГ ЙИРИК БАНКИ 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ЖАРИМАНИ ТўЛАШИГА Тўғри КЕЛАДИ

АҚШ адлия вазирлиги, АҚШ қимматли қозғолар ва биржалари бўйича федерал комиссия ва хоамашё фьючерслари савдоси бўйича комиссияда банкка нисбатан эътироз юзага келган.

Улар JPM трейдерларини “спуфинг” деб номланган ҳаракатни амалга оширганликда айблашмоқда. Яъни катта миқдордаги харид ва сотув бўйича аризани уни ижро этиш мақсадисиз эълон қилишда айблаган.

Бундай аризалар бозордаги нарх уларни реализация қилиш нархига тенглашган вақтда тугатилади. Бироқ унга қадар талаб ва таклиф юқоридек ҳолат юзага келади. Яъни бозордаги реал вазият ҳақидаги маълумотлар сохаталаштирилади.


Бундай амалиёт АҚШда 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин таъқиқланган. Америка тартибга солувчилари фикрига кўра, бунда JPMнинг Лондон, Нью-Йорк ва Сингапурдаги трейдерларининг “қўли” бор.

Жарима миқдори рекорд даражада кўп бўлиши мумкин. Айтишларича, банк ўз айбини тан олган ва ҳукумат белгиланган чораларга рози.

Сўнгги марта JP Morgan банки катта миқдордаги жаримани 2016 йилда тўлаган. АҚШдаги “Коррупция тўғрисида”ги қонунни бузгани учун банкнинг хориждаги бўлими 264 миллион АҚШ долларилек жаримани давлат газнаси ҳисобига туширган.

DANSKE BANK: ЕВРО УЧУН САЛБИЙ ФОН 2020 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

Банк еврога нисбатан кўрсатилган босим ва унинг омилларини қайд этди. Шунингдек, валютанинг келажакда ўсишига хизмат қилувчи омилларни келтириб ўтди.



Келаси йил евронинг долларга нисбатан айирбошлаш курси яна 1,2000 даражасида қолиши мумкин, бироқ жорий йил якунига қадар ягона валютага нисбатан босим йўқолиши амри маҳол, дейди банк мутахассислари.

Ўтган ҳафтада евронинг долларга нисбатан курси 1,1640 га тушиб қолди. Банк мутахассислари йил охирига қадар бу даража 1,1500 ва 1,1900лар ўртасида бўлишини тахмин қилмоқда.

Danske Bank еврога босим ўтказилаётган икки муҳим омилни санаб ўтди. ФЭТнинг инфляцияга нисбатан ёндашуви ўзгарганидан сўнг евронинг қўллаб-қувватланиши амри

маҳол. Аини пайтда коронавирус билан зарарланганлар сони ортиси оқибатида юзага келади диган чекловлар янги тўлқини худудлардаги иқтисодий ўсиш суръатини пасайтириши мумкин.

Шунингдек банк еврони мустаҳкамлашга хизмат қилувчи истиқболли чораларни аниқлайди. Улар орасида Буюк Британия ва ЕИ ўртасидаги савдо келишувига эришиш белгиланган. Агар АҚШдаги сайловлар натижасига кўра ғолиб вакиллари Палатаси ва Сенатни назорат қила олса, янги молиявий рағбатлантириш чораларини қабул қилмаса, евронинг мавқеини тиклашнинг имкони бор.

РОССИЯДАН ОЛТИН ЧИҚИБ КЕТИШИ 9 БАРОБАР ТЕЗЛАШДИ

Россия жаҳон бозорига олтин экспорт қилишни кескин оширди, дейилади Федерал божхона хизмати сайтыда.

Жорий йилнинг иккинчи чорак якунига кўра хорижга 87 тонна олиб чиқиб кетилган. Ўтган йилнинг март даврида бу кўрсаткич 10 тоннага тенг бўлган.

Пул ҳисобида экспорт ҳажми 11 баробар кўпайган, яъни 4,75 миллиард долларга етган. Аиниқса апрель ойида энг кўп, яъни 42,6 тонна олтин сотилган. Май ва июнь ойларида эса бу кўрсаткич ойига 24-25 тоннага тўғри келган. Бу эса ўтган йилга кўрсаткичга нисбатан тўрт баробар кўпдир.

Россия олтинини олувчи асосий мамлакатлардан бири Буюк Британия ҳисобланади. Жаҳон қимматбаҳо металлари савдосининг етакчиларидан бири Лондонга экспорт қилинган тилланинг 90 фоизидан ортиги, яъни 22,5 тоннаси чиқиб кетган.

Қолган олтин, 1,4 тоннаси, кутилмаганда Белоруссияга кетган. РФ ва МБ олтинни экспорт



қилиш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг тўлов ва савдо мувозанатини молиялаштириш ниятида бўлган. Сабаби мамлакат иқтисодиёти нефть нархи кескин пасайишидан азият чеккан эди.

Ярим йиллик давомида олтиннинг экспорт савдоси 121,2 тоннага етди ва мамлакатга 6,4 миллиард доллар келтирди. Бу эса экспорт ортидан кириб келган умумий маблағ, яъни 156 миллиард долларнинг 4,1 фоизига тенгдир.

Йирик АКТ компанияларидан бири TCS Groupни харид қилишни режалаштираётганлиги боис “Яндекс” ва “Тинькофф”нинг нархлари 2,1 миллиард АҚШ долларига ошди. Nasdaq биржасида “Яндекс” акциялари нархи ва Лондон фонд биржасида “Тинькофф” акциялари нархи қайд этилди.

Дастлабки келишув ҳақида эълон қилинганга қадар “Яндекс” ва TCS Groupнинг ялпи сармоси 26,1 миллиард АҚШ долларига тенг эди, улардан 20,9 миллиарди АКТ компанияга тўғри келган. 5,2 миллиард доллар эса банкнинг асосий тузилмасига тегишли эди. 2020 йил 23 сентябрдаги савдо якунига кўра умумий сармо 28,2 миллиард доллар (22,8 миллиард — “Яндекс”, 5,5 миллиард — TCS Group)ни ташкил этди.

Компаниялар келишув ҳақидаги режаларини 22 сентябрда эълон қилган. “Яндекс” “Тинькофф”ни 5,5 миллиард долларлик нархда сотиб олмоқчи. Ушбу нархда TCSнинг 21 сентябрдаги глобал

“ЯНДЕКС” ВА “ТИНЬКОФФ” НАРХЛАРИ КЕСКИН КўТАРИЛДИ

депозитар маълумотларнинг ёпилиши муносабати билан тўланадиган 8 фоизлик мукофот ҳам ҳисоба олинган. Компания хариди-

нинг сўнгги шарты бўйича сўнгги қарорга келишмаган. Бу қарор банк бош тузилмасини тўлиқ текширишгач маълум бўлади.



ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди реестрига киритилган банклар рўйхати:

1.	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти
2.	“Асака” акциядорлик тижорат банки
3.	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки
4.	“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки
5.	“Агробанк” акциядорлик тижорат банки
6.	Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”
7.	“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки
8.	“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки
9.	Чет эл капиталли иштирокидаги “Савдогар” акциядорлик тижорат банки
10.	Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”
11.	“Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки
12.	Чет эл капиталли иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки
13.	“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки
14.	“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банки
15.	“Ўзгароэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки
16.	“Пойтахт банк” акциядорлик жамияти
17.	Чет эл капиталли иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки
18.	“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
19.	“Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банки
20.	“Давр Банк” хусусий акциядорлик-тижорат банки
21.	Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”
22.	“Ravnaq-bank” хусусий акциядорлик-тижорат банки
23.	“HI-TECH BANK” хусусий акциядорлик тижорат банки
24.	“Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки
25.	“Мадад Инвест Банк” акциядорлик тижорат банки
26.	“ҚДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти
27.	“Ziraat Bank Uzbekistan” акциядорлик жамияти
28.	“Tenge Bank” акциядорлик тижорат банки
29.	Эрон “Содерот” банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки
30.	“TBC Bank” акциядорлик тижорат банки
31.	“ANOR BANK” акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фуқароларнинг юқорида номлари келтирилган банклардаги омонатларини тўлиқ ҳажмда қоплаб берилиши кафолатланган.

“АСАКА” БАНК ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ!

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора ўз сўзи ва ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Ўзбек тили неча йиллар давомида ўта машаққатли, оғир синовларни бошдан кечирганига қарамай, тарихий буюклигини йўқотмади ва яна қад ростламоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқи “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” дадил илдамлаётганимизни яна бир исботлади. БМТ тарихида илк мартаба Ўзбекистон раҳбари ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу – юрт учун, ўзбек миллати, шаъни, гурури ва озодлиги учун курашган Исоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарвар, миллатпарвар юртдошларимизнинг орзуси эди. Юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда ўз жонини фидо қилган ота-боболаримизнинг руҳи шод бўлсин.

Давлатимиз раҳбари бу сафарги нутқида ҳам халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бир қатор муҳим масалалар юзасидан ташаббуслар билан чиқди. Хусусан, дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, глобал иқлим ўзгариши, жаҳон бўйлаб озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш масалаларини ўртага ташлади. Шавкат Мирзиёевнинг нутқи яқинда мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланадиган “Ўзбек тили байрами куни” олдида Давлат тилига, унинг тақдирига бўлаётган улкан эътибор намунаси дидир.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур нутқ Ўзбекистонда учинчи ренессанс даврига мустаҳкам пойдевор қўйилганини яна бир бор амалда исботлади. Миллий юксалиш даври талаблари шароитида Ўзбек тилининг жамиятдаги ва халқаро майдондаги ўрни ҳамда обрўсини ошириш бўйича мақсадли ишларга старт берилди. “Янги Ўзбекистон” – янги имкониятлар эшигини очмоқда. Мамлакатимизда ҳар бир соҳада янгича фикрлаш, янгича ёндашув, яратувчанлик кўзга ташланмоқда. Бу биз учун юксак ифтихордир.

Н.РИЗАКУЛОВ,
“Асака” банк Бошқарув
Раиси маслаҳатчиси
ЎзА

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎзА, “Norma Hamkor” МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чол этишга тайёрловчи:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
уқуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади. Буюртма № г 0373 А-1384 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 29.09.2020 й., 1 2 3 4 5 6